



ISSN 2181-9904

Doi Journal 10.26739/2181-9904

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ

МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

JOURNAL OF AGRO PROCESSING

SPECIAL ISSUE



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир: / Главный редактор: / Chief Editor:

Исаев Сабиржан Хусанбаевич
*қишлоқ хўжалиги фанлар доктори,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш муҳандислар институти профессори*

"АГРО ПРОЦЕССИНГ" журнали тахририй маслахат кенгаши

редакционный совет журнала "АГРО ПРОЦЕССИНГ"

Editorial Board of the JOURNAL OF AGRO PROCESSING

- **Бегматов И.А.**, техника фанлари номзоди,
*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш муҳандислар институти
профессори*

- **Бабажанов А.Р.**, иқтисод фанлари
номзоди, *Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти доценти;*

- **Касымбетова С.А.**, техника фанлари
номзоди, *Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалиги механизациялаш муҳандислар
институти доценти;*

- **Рахмонов Қ.Р.**, иқтисод фанлари
номзоди, *Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти доценти;*

- **Баратов Р.**, техника фанлари номзоди,
*Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари
нститути доценти;*

- **Нормуратов И.Т.**, қишлоқ хўжалиги
фанлари номзоди., *Тошкент Давлат Аграр
университети доценти;*

- **Худайкулов Ж.Б.**, қишлоқ хўжалиги
фанлари номзоди., *Тошкент Давлат Аграр
университети доценти;*

- **Каримов М.У.**, қишлоқ хўжалиги фанлари
номзоди., *Тошкент Давлат Аграр
университети доценти;*

- **Соатов Ў.Р.**, қишлоқ хўжалиги фанлари
номзоди., *Тошкент Давлат Аграр
университети профессори;*

- **Анорбоев А.Р.**, қишлоқ хўжалиги фанлари
номзоди., *Тошкент Давлат Аграр
университети доценти;*

- **Юлдашев Я.Х.**, қишлоқ хўжалиги
фанлари номзоди., *Тошкент Давлат Аграр
университети доценти.*

Page Maker \ Верстка \ Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1. Сайдалиева Гўзал ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР.....	6
2. Муллоджанова Гулноза, Қаландаров Мухриддин, Ҳамдамова Динора, Исакулов Акмал МАВЗУЛИ ХАРИТАЛАРНИ ЯРАТИШДА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	12
3. Тапбаева Хулкаррой ЕР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШНИНГ ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.....	17
4. Zulfizar Amanova, Sa'dullayev Azamat, Avezov Oybek WATER-SAVING TECHNOLOGY DEVELOPED BY "GIDROGEL" FOR IRRIGATION OF WINTER CEREALS.....	22
5. Qodirov Zayniddin, Sa'dullayev Azamat, Qodirova Rayhon G'OZANI SUG'ORISHDA SUV TEJAMKOR SUG'ORISH TEKNOLOGIYALARNING SAMARADORLIGINI ILMIY ASOSLASH.....	26
6. Сафарова Ҳилола, Саъдуллаев Азамат, Джўраев Шарофиддин ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ СУФОРИШДА СУВ ТЕЖАМКОР УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	30
7. Амонова Зулфизар, Саъдуллаев Азамат, Фозилов Шахзод КУЧЛИ ШИШУВЧАН "ГИДРОГЕЛЬ"НИ ҚЎЛЛАБ ЯРАТИЛГАН СУВ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	35
8. Сафарова Ҳ.Х., Саъдуллаев А.Н., Чорикулов Ш. ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ.....	39
9. Ходжаева Гуля, Эшбоев Наврўз МЕЛИРАТИВ КОЛЛЕКТОРЛАР СУВ САРФИ ВА МИНЕРАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ КОМПЛЕКС ЎРГАНИШ.....	43
10. Khojiev Aliakbar, Khojieva Shakhnoza OPTIMAL SOLUTION LEACHING RATES WITH A DEFICIT OF IRRIGATION WATER.....	50
11. Ўткир Исломов, Уразбаев Ильхом, Азизов Шохрур ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СУФОРИЛАДИГАН ЕР ТУПРОҚ УНУМДОРЛИК ДАРАЖАСИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ (Самарқанд вилояти мисолида).....	57
12. Sanoyev X.A., Qodirov Z.Z. QISHLOQ XO'JALIGIDA TOMCHILATIB SUG'ORISH TEKNOLOGIYASINI QO'LLASHNING AFZALLIKLARI.....	63

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

13.Хожиев Алиакбар, Муродов Рустам НЕКОТОРЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ МОДЕЛИРОВАНИЯ ВЛАГО И СОЛЕПЕРЕНОСА В НАЧАЛЬНЫЙ ПЕРИОД РАЗВИТИЯ РАСТЕНИЙ.....	68
14.Ҳамзаев Ғиёс, Файзуллоева Ғўзал, Ниёзов Жавлон ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МИНЕРАЛИЗОВАННЫХ ГРУНТОВЫХ ВОД ПРИ ПОЛИВЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР НА ЗАСОЛЕННЫХ ЗЕМЛЯХ.....	75
15.Исаева Л.Б., Саноев Х.А. СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	81
16.Ҳамзаев Ғиёс, Файзуллоева Ғўзал, Ниёзов Жавлон ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУМАНЛАРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ. ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР.....	85
17.Toreshova Amina WOOL PRODUCTIVITY AND MORPHOLOGICAL PECULIARITIES OF LOCAL GOATS OF KARAKALPARSTAN.....	90
18.Исаев Сабиржан, Исапов Саидахроп ҒЎЗАНИ ТУПРОҚ ОСТИДАН СУҒОРИШ УСУЛИНИНГ ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	94
19.Ишонкулова Г.Н. КУЗГИ БУҒДОЙНИ ЎРИМ МУДДАТАРИНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	100
20.Шерматов Ёрмат, Юлчиев Давронбек, Уразбаев Ильхом БИОМЕТРИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ХЛОПЧАТНИКА ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ.....	104
21.Мирзаев Анвар, Обидова Дилноза, Михеев Даниил ЭЛЕКТРОН ТАХЕОМЕТРЛАРНИНГ ЭТАЛОН ГЕОДЕЗИК БИЗИСДА МЕТРОЛОГИК НАЗОРАТИ.....	114
22.Сатторова Маҳфуза СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАР УНУМДОРЛИГИ ВА УНИ МОДУЛЛАШТИРИШ.....	119
23.Феруз Худойбердиев, Эгамов Нодирбек, Музафаров Ражаб, Хайитова Ирода РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЯЙЛОВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.....	124
24.Сатторов Шаҳзод ЯЙЛОВ ЕРЛАРИНИНГ ДЕГРАДАЦИЯ ОМИЛЛАРИ.....	130

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

25. Сатторов Шахзод ЯЙЛОВ ЕРЛАРИНИНГ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИШДА ФАЗОВИЙ МАЪЛУМОТЛАР МОДЕЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	135
26. Feruz Xudoyberdiyev, Egamov Nodirbek, Muzafarov Rajab, Xayitova Iroda YAYLOVLARDAN FOYDALANISHNI BOSHQARISH ORQALI SAMARALI NATIJAGA ERISHISH.....	139
27. Абдуллоев Ашраф ГЕОДЕЗИК ВА ГЕОИНФОРМАТИК ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	145
28. Адизов Шуҳрат, Музафаров Ражаб БУХОРО ВИЛОЯТИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ВА АҲОЛИ ТОМОРКА ЕРЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИДА ЭКИЛАДИГАН ЭКИНЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	149
29. Axmadov Behzod, Pirimov Jonibek, Adizova Farangiz RESPUBLIKADA KO'CHMAS MULKKA BO'LGAN HUQUQLARNI DAVLAT RO'YXATIGA OLISH TIZIMINI YANADA SODDALASHTIRISH.....	153
30. Каримов Эркин ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ.....	159
31. Авазов Нуриддин ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	165
32. Пиримов Жонибек ФОТОГРАММЕТРИК МЕТОДЛАР ВА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН КАДАСТР ИШЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ.....	172
33. Салимова Ирода ҚУЁНЛАР РЕПРОДУКТИВ ФАОЛИЯТИГА ЭСФЕНВАЛЕРАТ ПИРЕТРОИДИНИНГ ТОКСИК ТАЪСИРИ.....	176
34. Феруз Худойбердиев, Эгамов Нодирбек, Музафаров Ражаб, Хайитова Ирода ЯЙЛОВЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНОВАЦИОН ЁНДАШУВ.....	181
35. Абдуллаев Зокир, Ҳакимова Азиза, Шарафиддинова Махлиё КАВАР ЎСИМЛИГИ ҚОҚИСИДАН ЛИОФИЛИЗАЦИЯ УСУЛИДА КУКУН ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИ ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДАГИ АҲАМИЯТИ.....	186
36. Kenjaeva Tolganoy, Pirimkulova Mukhabbat FERTILIZER SYSTEM OF ZUCCHINI AND SQUASH ON ALLUVIAL- MEADOW SOILS.....	192

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Ўткир Исломов Пирметович

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти, Ассистент
iotkir@mail.ru

Уразбаев Ильхом Кенесбаевич

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти, докторант
ilkhom.urazbaev@mail.ru

Азизов Шохрур Нуъмонжон ўғли

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти, ассистенти

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕР ТУПРОҚ УНУМДОРЛИК ДАРАЖАСИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ (Самарқанд вилояти мисолида)

For citation: Ўткир Исломов Пирметович, Уразбаев Ильхом Кенесбаевич, Азизов Шохрур Нуъмонжон ўғли. Қишлоқ хўжалиги суғориладиган ер тупроқ унумдорлик даражасини мониторинг қилиш (Самарқанд вилояти мисолида). Journal of Agro processing. 2020, Special issue, pp.57-62



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2020-SI-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада сув танқислиги тобора ошиб бораётган бир вақтда Самарқанд вилоятининг қишлоқ хўжалиги суғориладиган ер тупроқ унумдорлик даражасини мониторинги бўйича маълумотлар келтирилган, ундан ташқари олдинги йиллар олиб борилган илмий ишлар натижаларини ҳозирги кундага янги маълумолари асосида таққослаш графиклари ва Самарқанд вилоятининг туманларида олиб борилган асосий илмий тадқиқот ишларга асосланган тупроқ унумдорлиги даражасини мониторинги тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: Қишлоқ хўжалиги ерлари, суғориладиган ерлар, унумдор ерлар, яхши ерлар, ёмон ерлар, ўртача паст ерлар, ўртача яхши ерлар ва тупроқлар бонитет балли.

Ўткир Исломов Пирметович

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации
сельского хозяйства, Ассистент
iotkir@mail.ru

Уразбаев Ильхом Кенесбаевич

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации
сельского хозяйства, базовый докторант
iotkir@mail.ru

Азизов Шохрур Нуъмонжон ўғли

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации
сельского хозяйства, ассистент

МОНИТОРИНГ УРОВНЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ЗЕМЛИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ОРОШЕННОЙ ЗЕМЛИ

(На примере Самаркандской области)

АННОТАЦИЯ

В статье приводятся данные о мониторинге плодородия почв орошаемого земледелия в Самаркандской области в период увеличения дефицита воды; Он также предоставляет данные о мониторинге плодородия почвы на основе основных исследований в районе.

Ключевые слова: Сельскохозяйственные угодья, орошаемые земли, плодородные земли, хорошие земли, плохие земли, умеренно низкие, умеренные хорошие земли и почвенный балл.

Islomov Utkir Pirmetovich

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural
Mechanization Engineers, Assistant
iotkir@mail.ru

Urazbaev Ilkhom Kenesbaevich

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural
Mechanization Engineers, PhD student
ilkhom.urazbaev@gmail.com

Azizov Shoxrur Nu'monjon o'g'li

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural
Mechanization Engineers, Assistant

MONITORING THE LEVEL OF LAND PRODUCTIVITY AGRICULTURAL IRRIGATED LAND

(On the example of the Samarkand region)

ABSTRACT

The article provides information on the monitoring of soil fertility in irrigated agriculture in the Samarkand region at a time of increasing water scarcity. In addition, data on comparing the results of previous years' scientific work with the up-to-date information and monitoring of soil fertility levels based on the main research activities in the districts of Samarkand region. In addition, data on comparing the results of previous years'

scientific work with the up-to-date information and monitoring of soil fertility levels based on the main research activities in the districts of Samarkand region.

Key words. Agricultural land, irrigated land, fertile land, good lands, bad lands, moderately low, moderate good lands and soils bonitet score.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий - иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, мавжуд бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш тизимида мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича "Ҳаракатлар стратегия"си муҳим амалий аҳамият касб этади. Айнан шундай устувор йўналишлар тизимида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштироқини камайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожини рағбатлантиришга қаратилган таркибий ислохотларни давом эттириш иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётда ўзининг муҳимлиги билан ажралиб туради.

Ушбу қайд қилинган йўналишларни юқори даражада амалга оширишда мамлакатнинг асосий миллий бойлиги бўлган ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этишга мўлжалланган тадбирлар тизимини яратиш ҳамда амалиётда жорий этиш, яъни бугунги шароитга мос тарзда уларни барқарор бошқарувини амалга ошириш яқин истиқболда кутилган натижаларни бериши табиийдир.[1]

Хозирги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида изчиллик билан утказилаётган ислохотлар, хўжалик юритишнинг янги шакллари, фермер хўжаликлари класстер тизими ва бошқа ерлардан фойдаланувчилар тизими яратилганлиги, фермерларнинг ўзларига ижарага берилган ер майдонлари тупроқларининг унумдорлигини билиш ҳамда шу асосида ёндашиш талабини қўймоқда. Бу борада давлат кадастрининг асосий қисми бўлган тупроқлар бонитировкаси муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда республикамизда мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг суғориладиган ерларини баҳолаш ҳамда шу асосида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини белгилаш, бонитировка маълумотларидан турли мақсадларда фойдаланиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ер турлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида алоҳида ўрин эгаллайди. Шундан, экин ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар боғлар, токзорлар, тутзорлар, ва мевазорлар, буз ерлар, пичанзор ва яйловларга бўлинади. 2019 йил 1 январ ҳолатига уларнинг ер майдони 25601 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 57%, шундан суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер турлари жами 3729,2 минг гектарни ташкил этади.[3]

Давергеодезкадастр қўмита таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Давлат ер кадастри туғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси туғрисидаги ҳамда ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси туғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги 529-сонли қарори асосида суғориладиган ерларнинг тупроқ сифатини баҳолаш ишлари тизимли амалга оширилмоқда.[2]

Тупроқнинг унумдорлиги бўйича баҳолаш агротехника тадбирларини ва дехкончиликни жадаллаштиришнинг ўртача даражасини ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Унумдорлик бўйича баҳолаш муайян ердаги қишлоқ хўжалик

экинларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади. Мамлакатимиз тупроқ-иқлим, геоморфологик ва гидрогеологик шароитлари ўзига хос характерга эга, шу боис тупрод унумдорлиги кўп жиҳатдан табиий омиллар ҳамда инсон омилига боғлиқдир.

Шу боис тупроқнинг унумдорлиги бўйича Давергеодезкадастр қўмитаси томонидан 2018 йил давомида Самарданд вилоятининг Булунгур, Самарданд, Жомбой, Ургут, Тойлоқ, Нуробод, Қошработ, Иштихон, Каттақўрғон, Пахтачи, Пастдаргом, Пойариқ туманлари суғориладиган ер майдонларида тупроқ сифатини баҳолаш ишлари олиб борилди. Дала-тадқиқот ишлари, тупроқ кесмаларидан олинган намуналарнинг кимёвий таҳлили, дала хариталарини таҳлил қилиш, майдон ҳисоблаш натижалари асосида вилоят ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари бўлимлари хизмат фаолиятларида фойдаланишлари учун массивларнинг 1:10000 масштабдаги тупроқ айирмалари кўрсатилган ва пахта-галлачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун 1:5000 масштабли тупроқ сифатини баҳолаш хариталари яратилди ҳамда объект тупроқларининг тавсифловчи экспликациялар берилди. Тупрод сифатини баҳолаш хариталари асосида ҳар бир фермер хўжалиги тупроқларининг ўртача бонитет баллари ва кадастр гуруҳлари бўйича ер майдонлари аниқланди.

Вилоятда суғориладиган тупроқларнинг сифатини баҳолаш ишлари 316845,6 гектар ер майдонида бажарилди. Вилоят суғориладиган ҳудуд тупроқлари унумдорлик даражаси бўйича 4 та кадастр гуруҳга тақсимланди.


Бажарилган тупроқ-баҳолаш ишлари натижаларига кўра, вилоят бўйича суғориладиган тупроқларнинг ўртача бонитети 60,3 балли ташкил этди. Бу кўрсаткич 2007-2010 йилларда олиб борилган тупроқ сифатини баҳолаш ишлари натижасига кўра бир бонитет баллга ошганлигини кўриш мумкин.[5]

Вилоят тупроқларининг унумдорлик даражаси бўйича майдонлар тақсимланганда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига яроқсиз, ёмон сифатли ерлар 0-20 балл атрофидаги ерлар вилоятда аниқланмади. Ўртачадан паст кадастр гуруҳига кирган ерлар вилоятда 4497,0 гектар ерни ташкил этди. Бу вилоятда суғориладиган ерлар 1,42 % га тенг бўлиб, унумдорлик кўрсаткичи бўйича III-IV классга тааллуқлидир, тупроқлар бонитети 21-40 балл билан баҳоланди.


2007-2010 йилларда вилоятида олиб борилган тадқиқот ишлари натижаларига нисбатан, кам маҳсулдор ўртачадан паст ерларнинг ҳиссаси 2018 йил натижаларига кўра, 3,51 % дан 1,42 % га камайган. Вилоятнинг ўртача кадастр гуруҳига кирган ерлари 161359,2 гектарни ташкил этди. Бу вилоятда суғориладиган ерлар 50,93 % қисмига тенг бўлиб, унумдорлик кўрсаткичи бўйича V-VI классга мансубдир, тупродларнинг бонитети 41-60 балл билан баҳоланди. Ўртача кадастр гуруҳига кирган ерлар майдони аввалги тур тупроқ сифатини баҳолаш ишлари майдонидан 2508,8 гектарга ошган.[3]

Вилоятининг яхши сифатли ерлар кадастр гуруҳдаги кирувчи ерлари 135272,4 гектарни ташкил этган. Суғориладиган ерларининг 42,69 % ига тенг. Бу ерлар VII-VIII кадастр классига мансуб бўлиб, бонитети 61-80 балл билан баҳоланди. Яхши сифатли ерлар вилоят бўйича аввалги олиб борган иш натижаларига нисбатан 3,0 % га ортиб, бу кўрсаткич 13509,6 гектарни ташкил этди. Энг яхши сифатли кадастр гуруҳига кирувчи 15717,0 гектар ерлар вилоят суғориладиган ерларининг 4,96 % ни ташкил этди. Бу тупроқларнинг ҳиссаси вилоятда кам бўлиб, IX-X классларни ўз ичига олади. Бу тупроқлар бонитети 81-100 баллга тенг. Вилоятдаги энг яхши сифатли ерлар аввалги олиб борилган ишлари натижаларига нисбатан

315,0 гектар ерга кўпайган.



1-график Самарқанд вилояти суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг кадастр гуруҳлари бўйича тақсимланиши (фоиз ҳисобида)



2-график Самарқанд вилояти суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг кадастр гуруҳлари бўйича майдони (га. ҳисобида)

Самарқанд вилоятининг туманлари бўйича ўртача ҳисобланган бонитет балли Тойлоқ тумани 12851,4 г буйича энг катта 68,7 баллга тенг эканлиги аниқданди. Бу кўрсаткич 2007-2010 йилларда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра 0,2 баллга ошган. Вилоят туманлари бўйича тупроқларининг бонитет бали энг паст кўрсаткичи Нуробод туманида аниқданиб, бонитети 47,4 баллга тенг деб баҳоланди. Лекин бу кўрсаткич олдинги йилларда олиб борилган тадқиқот натижаларига нисбатан 1,9 баллга ошган.

Нуробод тумани бўйича кам шўрланган ерларнинг 3,1 % дан 15,6 % га ортиши, ўртача шўрланган ерларнинг 8,5 % дан 3,1 % гача камайиши, кучли шўрланган ерларнинг 3,5 % дан 0,4 % гача камайиши туманда мелиоратив тадбирларнинг тизимли даражада олиб борилганлигидан далолат беради.

Сўнги йилларда туманда олиб борилган агротехник ва мелиоратив тадбирлар туман тупроқлари унумдорлигини ошишига сабаб бўлган.

Қўшработ туманида 3013,0 гектар суғориладиган ерларда олиб борилган тупроқлар сифатини баҳолаш ишлари натижалари асосида туман тупроқларининг ўртача ҳисобланган бонитети 57,9 баллга тенг деб баҳоланди.

Қўшработ туманида охириги тадқиқот ишлари бўйича шўрланиш ҳолати аниқланмади. Туман бўйича 464,0 гектар тошлод ерларнинг тош-шағалдан

тозаланиши, агротехник ва мелиоратив тадбирлар меъёрида олиб борилиши натижасида туман тупроқлари бонитетининг 1,9 баллга ошиши ва яхшиланишига сабаб бўлган.[3]

Хулоса қилиб айтганда сўнги йилларда Самарқанд вилоятда олиб борилган агротехник ва мелиоратив тадбирлар натижасида тупроқ унумдорлиги динамикасининг ижобий томонга сезиларли даражада ўзгарган, жумладан, бонитет баллари Пахтачи туманида 1,4 баллга, Иштихон туманида 1,3 баллга, Булунғур туманида 1,3 баллга, Пастдарғом туманида 1,1 баллга ошган. Биргина тупроқ унумдорлик динамикасининг ўзгаришсиз қолиши Самарқанд туманида аниқланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда "Ҳаракатлар стратегияси" Тошкент "Адолат" 2017 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси туғрисидаги ҳамда ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси туғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги 529-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси" 1998 йил
4. "Давлат ер кадастри" туғрисидаги қонуни, 1998 йил
5. Миллий ҳисобот 2019 йил
6. Интернет маълумотлари.

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ

JOURNAL OF AGRO PROCESSING

№SI (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000